


# АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»  
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ  
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА  
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 4 АВГУСТ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 31 (579) • www.adolat.uz • E-mail: adolat\_gazeta@mail.ru



## БУ ЎЛКАДА ЯШАРИШ БОР, ОБОДЛИК БОР

Республикаимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги ва қадимий Қаршининг 2700 йиллиги олойдан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари миқёси кун сайин ортиб бораётти. Илгариги тор йўлаклар ўрнида энди кенг ва ра-  
вон йўлаклар, бир йўла 6 қаторли ав-  
томобил ҳаракатини таъминлаган  
асфальт йўллар, маданият-маиший  
бинолар, бозорлар — ҳаммасида қури-  
лиш ишлари жадал давом этмоқда.



Бундан бир йил илгари Қарши-  
га келган меҳмонлар унинг бугун-  
ги жамолини қўриб, кўзларига  
ишонмаслиги табиий. Биргина  
«Мустақиллик майдони»да амалга  
оширилган ишларга тўхталсак: ав-  
валги бетон плиталар билан қоп-  
ланган йўлаклар ўрнида аjoyиб  
гулзор барпо этилган киши кўзи-  
ни қўвонтиради. Вилоят ҳокимли-  
ги биноси билан унга туташ ин-  
шоотларга берилган ранго-ранг  
сайкаллар.

Шаҳар аэропортида эса бамис-  
ли ҳаёт кайнаган. У қайта таъмир-  
ланаётган. Уни Косон туманидаги  
231-хўжалиқларро механизация-  
лашган кўча жамлама бунёдкор-  
лари амалга оширяптилар. Жаҳон  
андозларига мос равишда қайта  
қурилаётган аэропортда йўловчи-  
лар учун қўлайликлар яратилмоқ-

да. Умумий баҳоси 1 миллиард 233  
миллион сўмлик таъмир ишлари  
ҳадемай ниҳоясига етди.

Қарши Давлат университети қош-  
идаги 2-академик лицей, темир йўл  
шоҳ бекати, қишлоқ хўжалик касб-  
хона коллежи бинолари ҳам истик-  
лол байрамга муносиб совға бўлди.  
Тендер баҳоси 1 миллиард 795 ми-  
лион сўмлик виллоят ички ишлар бо-  
шқармасига қарашли шифохона ин-  
шоотидаги бунёдкорлик суръати ҳам  
мақтовга лойиқ.

— Жамоатимизда 8 та қурилиш уча-  
сткиси бўлиб, улар малакали курув-  
чилар билан таъминланган, — дейди  
кўча жамлама раҳбари Абдухалил  
Муминов. — Ҳар бир ишнинг ўртача  
иш ҳақи 100-110 минг сўмга тўғри  
келмоқда. Насриддин Хайитқулов,  
Қувондиқ Қуватов, Камолитдин Ами-  
ров, Шовдир Абулқосимов сингари

бунёдкорлар ҳаммага ўрнат.

Бунёдкорлик ишлари виллоят ту-  
манларида ҳам давом этмоқда. Шаҳ-  
рисабзнинг гузал ва мафтункор гуша-  
ларида бири — «Хисорак» сув ом-  
бори қошида бунёд этилаётган ГЭС  
45 киловатт-соат қувватга эга бўлиб,  
умумий лойиҳа баҳоси 25 миллиард  
205 миллион сўмни ташкил этади.  
Мазкур иншоотда бу йил 8 милли-  
ард сўмлик қурилиш-монтаж ишла-  
ри амалга оширилиши кўзда тутил-  
ган. «Ғузор-Бойсун-Қумқурган» те-  
мир йўли қурилиши суръатини эса  
таърифлашга тил охири.

Қарши, Чироқчи, Қамаш, Ғузор,  
Китоб, Яқкабоб, Косон туманларида  
қад ростлаётган янги замонавий би-  
нолар, хиёбонлардан кўз қувонади.

Нишонда пахтачи қайта ишлаш  
корхонаси реконструкцияси бошлан-  
ди. «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма

корхонаси, «Садо» ҳиссадорлик жа-  
мияти, «Яқкабобтэк ЭАУСС» қўшма  
корхонаси, Қамаш ип йиғирув қу-  
ватлари, Бешкентдаги Раҳмат Номо-  
зов раҳбарлик қилаётган қандолат-  
чилик корхоналарида маҳсулот иш-  
лаб чиқариш ҳажми ошириб, иш сифа-  
ти яхшиланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қашқа-  
дарё бугун улкан бунёдкорлик май-  
донига айланган. Воҳада мустақил-  
лигининг 15 йиллиги руҳини ҳар  
қачонгидан кўтаринки тус олган.

Шавкат СУЛТОНОВ

Суратларда: 1. Барпо  
этилган иншоотлардан ла-  
халар. 2. Яқкабоблик йўлсоз  
Саид Раҳимов бунёдкорлик  
ишларида фаол иштирок  
этмоқда.



Муаллиф олган суратлар



Давра суҳбати

## ВЕБ-САЙТ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

С. ЖАББОРОВА,  
«Адолат» муҳбири

Ҳар қандай демократик дав-  
латда сиёсий партиялар дастурий  
ғоя ва мақсадлари йўлида кураш  
олиб боради. Бундай курашда,  
албатта, ҳар бир партия ўз маф-  
курасини кенг оммага тушунти-  
риб, тарғибот-ташвиқот қилиши  
табиий. Тарғибот-ташвиқот қилиш-  
да эса оммавий ахборот воситалари,  
шунингдек, интернет  
имкониятларидан фойдаланиш энг  
мақбул воситалардан бири сана-  
лади. Зеро, интернет ахборот тар-  
қатиш воситалари ичиде замона-  
вий ва оммабон восита бўлиб,  
ундан самарали фойдаланиш таш-  
килот ёки шахс нуфузини оши-  
ришга хизмат қилади.

«Адолат» социал-демократик  
партиясининг веб-сайти —  
www.adolat.uz ҳозирда техник ва  
концептуал синод даражиси бои-  
дан кечирмоқда. Шунингдек, интер-  
нет тарғибот-ташвиқот қилиш  
табиий. Тарғибот-ташвиқот қилиш-  
да эса оммавий ахборот воситалари,  
шунингдек, интернет  
имкониятларидан фойдаланиш энг  
мақбул воситалардан бири сана-  
лади. Зеро, интернет ахборот тар-  
қатиш воситалари ичиде замона-  
вий ва оммабон восита бўлиб,  
ундан самарали фойдаланиш таш-  
килот ёки шахс нуфузини оши-  
ришга хизмат қилади.

сайт структураси алоҳида саҳифалан-  
ган 12 бўлим, 24 суббўлимдан таркиб  
топган, динамик флэш - анимация  
қисмлари билан таъминланган. Шу-  
лардан «Партия ҳақида», «Низом ва  
дастурий ҳужжатлар», «Фракция фа-  
олияти», «Адолат» газетаси анонс-  
лари», «Норматив ҳуқуқий ҳужжат-  
ларнинг намуналари», «Лойиҳа-  
лар», «Партия тарихи», «Хамкор-  
лик алоқалари», «Юрист маслаҳат-  
лари» — алоҳида эътиборга молик  
бўлимлардир.

Ҳозир веб-сайт билан боғлиқ ай-  
рим камчиликларни бартараф этиш,  
уни янада такомиллаштириш устида  
иш олиб боришмоқда. Шу ўринда  
айтиб ўтиш керакки, партия сайти-  
нинг ахборот манбаини ошириш, ян-  
гиликларни қўлайлиги учун виллоят  
кеңашлари томонидан келадиган  
ахборотлар оқимининг бир мароми-  
ни таъминлаш зарур.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш  
институтинида бўлиб ўтган «Сиёсий  
партиялар веб-сайтларини ривожлан-  
тириш омили» номли давра суҳ-  
батда долзарб мавзуга доир так-  
лиф ва мулоҳазалар, тавсиялар бе-  
рилди. Унда сиёсий партиялар Мар-  
казий Кенгашлари матбуот котиб-  
ла-

ри, веб-сайтлар мутахассислари  
ҳамда оммавий ахборот воситалари  
вакиллари иштирок этди. Тадбирда  
партиялар веб-сайтларининг мамла-  
катимиз интернет тармоғи тарққиё-  
тидаги аҳамияти тўғрисида институт  
катта илмий ҳодими Тўлқин Ёшбе-  
ков сўз юритди. Хусусан, нотик ҳар  
бир партиянинг веб-сайтига ат-  
рофчилик тўхталиб, улардаги ютуқ ва  
камчиликларга баҳо берди.

— Мазкур веб-сайтларнинг акса-  
рият қисмида учрайдиган камчилик-  
лардан бири — уларни ҳар кун янги,  
долзарб мавзулардаги ахборотлар  
билан тўлдириб боришмаслиги, — деди  
нотик ўз сўзида. — Бу масалани ижо-  
бий ҳал қилиш учун компьютерлар ва  
интернетда мукамал ишлаш олади-  
ги малакали мутахассисларга эга  
бўлиш, моддий техника базани му-  
стаҳкамлаш, тегишли мутахассислар  
билан тажриба алмашиш ва, асосий-  
си, жойлардаги партия ташкилотлари  
мутаассадилари билан узвий алоқа  
ўрнатил зарур.

Давра суҳбатда партиялар веб-  
сайтларини такомиллаштиришдаги  
муаммолар, уларни бартараф этиш  
борасидаги таклиф-мулоҳазалар би-  
лан ўртоқлашилди.

✓ Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида Хитой  
киноси кўнлари ниҳоясига етди. Мазкур тадбирнинг ўзига хос жиҳати  
шундаки, Хитой киноси кўнларини томоша қилиш учун кинотеатрларга  
бориш шарт бўлмади. Фестиваль доирасида тақдим этилган барча филь-  
млар Ўзбекистон телеканалларида намойиш этилди. Бу эса Хитой картина-  
ларида юртимиз киноиндустриясида баҳраманд бўлиши учун катта им-  
коният яратди.

✓ Жан Поль Бельмондо, Ален Делон, Жерар Депардьё ва Пьер Ришар.  
Ушбу актёрлар Самарқанднинг халқаро тинчлик музейи тадбирини қўллаб-  
қувватлади. Ёшлар ўғли, мазкур музей Тинчлик афторига деган лойи-  
ҳани ўтказиётган бўлиб, унинг доирасида дуненинг машҳур кишилари  
жаҳонда тинчлик ғоясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг дастхати  
туширилган мактуб ва плакатларини оборади.

✓ Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти  
Марказий кенгаши раёсатининг кенгайтирилган йилги йиғилишида ташкилот  
фаолиятининг 2006 йилнинг биринчи ярмидаги янгиликларини ва қалғиди  
вазифалар муҳокама этилди. Ташкилот фаолиятини амалдаги қонулар ва  
меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этиш, ўқув-спорт  
техника клублари моддий негизини замон талаблари даражасида жиҳоз-  
лаш ҳамда тўғрақ ва секциялар фаолиятини янада такомиллаштириш  
масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

✓ Пойтахтимиздаги Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйи-  
ча 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Бирин-  
чилиги якунланди.

✓ Ғайриоддий иссиқ об-ҳаво нафакат Европада, балки Америкада  
ҳам кузатишмоқда. Хабарларга кўра, Калифорния штатида 100 га яқин  
одам жазирама оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Калифорния марказида об-  
ҳаво Цельсий шкаласи бўйича 46 даражагача кўтарилган.

✓ Буюк Британиянинг Лейстер университети олимлари сайёраимизда  
энг бахтли одамлар қаерда яшашини аниқлашди. Унга кўра, Ер юзиде энг  
бахтли инсонлар Данияда истиқомат қилар эканлар. 2-3 ўринларни Швей-  
цария ва Австрия эгаллади. Тадқиқотлар Ўзбекистон Мустақил Давлатлар  
Ҳамдўстлиги орасида энг бахтли одамлар яшайдиган мамлакат эканлиги-  
ни кўрсатди. 178 ўриндан иборат рўйхатда Хитой 82-, Япония 90-, Россия  
эса 167-ўринда жойлашган.

✓ Навоий виллояти Қизилтепа туманида «Малабар-СИЛК» Ўзбекистон-  
Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхона

## МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ

Тошкент виллоятининг  
Юқори Чирчиқ туманидаги  
Ийк-Ота хўжалиғида имкони-  
яти чекланган болаларнинг  
«Мафтункор ранглар дунёси»  
мавзусидаги ўн биринчи хал-  
қаро кўрик-танлови очилди.

У Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини  
иқтимоий муҳофаза қилиш вазирли-  
ги, «Соғлом авлод учун» халқаро но-  
ҳукумат хайрия жамғармаси, Ўзбеки-  
стон Ногиронлар жамияти, «Ёнғир»  
халқаро инсонпарварлик жамғарма-  
си ташаббуси билан Ўзбекистон Ба-  
дий академияси, Соғлиқни сақлаш,  
Халқ таълими вазирликлари, «Se-  
p yolg'iz emassan», Ўзбекистон Бола-  
лар жамғармалари ҳамкорлиғида таш-  
кил этилди.

Тадбирда Президентимиз Исро-  
м Каримов ташаббуси билан мамлака-  
тимизда аҳолини иқтимоий ҳимоя  
қилиш, саломатлигини мустаҳкамлашга  
алоҳида эътибор қаратилаётгани таъ-  
кидланди. Қабул қилинаётган давлат  
дастурлари, қарор ва фармонларда  
бу жиҳатлар асосий йўналишлардан  
бири сифатида белгиланмоқда.

Юртимизда ўн биринчи марта

ўтказилаётган «Мафтункор ранглар  
дунёси» халқаро кўрик-танлови тиб-  
бий кўмакка муҳтож болаларни  
қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш,  
жамиятда улар ўзининг муносиб  
ўрнини топишида яқиндан қўмакла-  
шиш мақсадида ташкил этилди. Эъти-  
борга молик жиҳати, болалар икки  
кунлик мазкур тадбир давомида ўз  
истеъдодини намойиш этиши билан  
бирга юртимиз ва хорижнинг мала-  
кали шифокор-мутахассислари қўри-  
гидан ўтади, зарур ҳолатларда улар-  
га тиббий муолажалар кўрсатилади.

— Кўрик-танловнинг ташкилотчи-  
ларидан бири сифатида иштирок  
этиш бизга катта мамнуният бағиш-  
лайди, — дейди «Ёнғир» халқаро  
инсонпарварлик жамғармаси бош  
директори Чеон Сак Ёль. — Негаки,  
«Мафтункор ранглар дунёси» халқ-  
аро миқёсда тобора ўз нуфузи ва  
мавқеига эга бўлиб бораётган кўрик-  
танловдир. У имконияти чекланган  
болаларнинг ўз тенгқурларидан  
қолишмаслигини тобора кенг намо-  
ён этмоқда.

Кўрик-танловнинг мамлакатимиз  
босқичида Марказий Осиё давлатла-

ри, Россия, Жанубий Кореядан ҳам  
болалар иштирок этмоқда.

Россиялик Ирина Бучок ўн икки  
ёшда. У бундай танловда илк марта  
қатнашти. Айтишича, танлов тўғри-  
да муваффақ бўлган. Қозогис-  
тонлик Тўлқин Сакбаева беш ёш-  
дан бери расм чиқади. Турли бади-  
ий кўрик-танловлар, фестивалларда  
иштирок этган бўлса-да, меҳмондўст  
ва саҳий ўзбек заминидеги мазкур  
танлов қизиқарли тадбирлар, кон-  
цертлар, дўстлар билан ўрашувлар-  
га бойлиги билан унинг хотирасида  
бир умр сақланиб қолади.

Тадбир доирасида юртимиз ҳамда  
Жанубий Корея шифокорлари иш-  
тирокида ногирон болалар тиббий-  
иқтимоий реабилитациясининг дол-  
зарб масалаларига бағишланган се-  
минар бўлиб ўтди.

Энг яхши қизилган расм эгалари-  
ни эса тадбир ташкилотчиларининг  
совгалари кўтмоқда.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

Истиқлол — менинг онгимда, шууримда

## МУСТАҚИЛЛИК БУ — ИМКОНИЯТ, ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ

Мамлакатимизда Озодлик, Хурлик эпкини эса бошлаганига 15 йил бўлди. 15 йиллик  
тарих қисқа вақт бўлса-да, жонажон Ватанимиз ҳаётида мислсиз ўзгаришлар ясади.  
Юртдошларимизнинг онгу тафаккури юксалди. Фурсат топиб биз ана шундай юрт-  
дошларимизни суҳбатга тортдик.

Хуршид НУРИЛЛАЕВ,

«Адолат» СДП аъзоси, шоир:

— Ҳеч муволағасиз айтиш мумкинки, Истиқлол ижод-  
кор, қаламкашлар учун янги улғайишлар даври бўлди.  
Адабиёт ва санъат майдониде миллат шайини улғай-  
диган, уни жаҳонга танитадиган янги номлар пайдо  
бўлди.

Еш ижодкорларнинг ҳар йили ўтказиб келинаётган  
Зомин семинари, «Нихол» санъат кўрик-танловлари халқ-  
нинг дилига кириб бора оладиган истеъдодларни кашф

этишда, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга  
молик бўлмоқда.

Асли касбим-қурувчи муҳандис Лекин ижод шеърят  
— умрим мазмуни. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг  
Адабиёт жамғармаси томонидан «Ёнғир ҳиди» ва «Бу  
бўстон саҳнида» деб ном олган шеърый тўпламларим  
босилиб чиққанини менга, қолаверса барча ижод аҳлига  
бўлган эътибор деб биламан. Ижодкорини, санъаткори-  
ни қадрлаб бағрига босган юртининг маънавияти янада  
улғи, келажаги саодатли бўлади.

Хидирмамат ШАКАРОВ,  
Хатирчи тумани «Нуро-  
нилар» жамғармаси раиси,  
меҳнат фахрийси:

— Она Ватанимизнинг мустақил-  
ликка эришганига ҳам ҳадемай 15  
йил тўлади. Буюк Истиқлолнинг ана  
шу тарихан қисқа даври мамлака-  
тимизда чинакам тараққиёт, юксалиш  
йўлини очди. Халқимиз ўз эркинга эга  
бўлди. Не бахтки, ўзбек номини эн-  
дилликда бугун жаҳон билади, ҳавас  
қилади.

Мен 66 ёшга кирдим. Собик ит-  
тифок даврида қишлоқ хўжалиги соҳа-  
сида қарий 30 йил хизмат қилдим.  
Уша пайтларда эркимиз ўз қўлимизда  
эмас эди, бирон бир ишга қўл ур-  
моқчи бўлсак, марказдан рўхсат сўра-  
р эдик. Энг ачинарлиси, ўзбек деҳқони

йил-ўн икки ой даласида тер тўка-  
ди меҳнатининг роҳатини қўри-  
масди. Бугунги фермерларга, гапнинг  
дангалини айтсам, жуда-жуда ҳавас-  
им келади. Нимага десангиз, у —  
ернинг ҳақиқий эгаси, қишлоқ хўжа-  
лиги соҳасидаги мулкдор. Ерга меҳр  
қўйиб, жонини жабборга бериб иш-  
лайди. Чунки эртанги мўл-қўл ҳосил-  
дан манфатдор у. Эътибор беринг-а:  
кейинги йилларда республикаимиз  
қишлоқ хўжалиғида катта ютуқларга  
эришилмоқда — пахтачилик, галлачи-  
лиги пиллачилик бўйича режалар ор-  
тиги билан удаланипти. Бу мустақил-  
лик йилларида тамаил тоши қўйилган  
ислохотларнинг самараси эмасми?!

Мустақиллигининг биринчи йили-  
да тумандаги Дамариқ маҳалласи  
оқсқоли этиб тайинландим. Фол-

лар билан маслаҳатлашиб, маҳалла  
хуудини ободонлаштирдик, ҳунар-  
мандларни тўлаб турли шохобалар  
очдик. Бундан ташқари, маҳалладаги  
кам таъминланган оилаларга моддий  
қўмак қўрсатдик.

Қўпни кўрган нуроний отахону  
онахонлар билан биргаликда туман-  
нимиздаги таълим-тарбия муассаса-  
ларида бўлиб, истиқболимиз эгалари  
бўлган ёшлар билан Мустақиллик,  
унинг энг олий қадрият эканлиги  
тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. Ўғил-  
ларимиз беиз кетмапти. Негаки, бу-  
гунги ёшларни — Мустақиллик фар-  
зандларини қўриб ҳавасим келади.  
Ишонаманки, жондан азиз Ўзбеки-  
стонимиз келажаги, албатта, буюк бўла-  
ди. Зотан, эртанги кунимиз ишончли  
қўлларда.

Хуршида НОРПУЛТАОВА,  
Тошкент виллояти Давлат педагогика ин-  
ституту талабаси:

— Фарзандлари билимдон ва доно юртининг эртаси  
порлоқ бўлади. Бу кўп миңг йиллик тарих чигиринидан  
ўтган ҳақиқат. Икки дарё оралиғи ҳисобланмиш бетак-  
ор юртимиз — қадим Турон заминиде ҳам илм-  
маърифатга азал-азалдан катта эътибор берилган. Мана  
шу эътибор натижаси ўларок, бу муқаддас заминда  
қўллаб буюк алломалар вояга етган. Улар дунё илм-  
фани, маънавияти ҳазинасига бемисл улۇш қўшганлар.  
Мустақиллик қўлга киритилган, мамлакатимизда илм-

фан ривожига катта эътибор қаратилди. Хусусан, биз,  
ёшларнинг етарли даражада билим ва малака олишлари  
учун барча шарт-шароитлар яратилди. Замонавий илм  
даргоҳлари, барча қўлайликларга эга спорт мажмуа-  
лари бунёд этилди. Ҳозир бу жойларда миңглаб илмга  
чанқоқ, интилувчан ўғил-қизлар таҳсил олишмоқда, жи-  
монан чинқишмоқда. Яна ўнлаб-юзлаб иқтидорли тенг-  
дошларимиз хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув  
юртларида ўқийапти. Энг қувонарлиси, мустақиллик  
фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда ис-  
ботлашяпти. Буларнинг бари, албатта Истиқлол шаро-  
фатидир!



муассислари «Қизилтепа ипаги» ҳиссадорлик жамияти, «Самарқанд-Син-  
гапур» қўшма корхонаси ва арабистонлик ҳамкорлардир. Ватанимиз мус-  
тақиллигининг 15 йиллиги арафасида ишга туширилши режалаштирилган  
қўшма корхонада 100 нафар йигит-қиз учун янги иш жойи очилди.

✓ «ЭКОСАН» саломатлик поэди ва янги малакали шифокорлари  
Қорақалпоғистон Республикасида бўлишди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили  
муносабати билан 350 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган  
поезд Амударё, Тўртқўл, Эллиққалъа, Тахиятош, Қоразуқ ва Гегайли туман-  
ларида бўлди.

✓ Фарғона сунъий қанар заводиде Туркиянинг «Текфен» фирмаси  
билан ҳамкорликда янги ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Бу  
ерда тери ва чарм хомашёсига замонавий технология асосида ишлов  
берилади. Янги линия пойабзал ва чармдан киём-бош ишлаб чиқаришга  
ихтисослашган корхонанинг четдан хомашё сотиб олишга бўлган эҳтиёжи-  
ни тўла қоплаш кутилмоқда.

✓ Россиянинг металлургия билан шугулланувчи «Северсталь» компа-  
ниясини жорий йилнинг бошига қадар Лондон фонд биржасига 1,5 милли-  
ард долларлик акциялар пакетини киритишга тайёргарлик кўрмоқда.

✓ Kodak компанияси анъанавий плёнкали фотоҳужжатлардан рақамли  
аппаратура билан ишлаб чиқаришга ўтишда кўп қийинчиликларни бошдан  
кечирди. Корхоналарни қайта жиҳозлаш оқибатида қоз берган жиддий  
молиявий йўқотишлар Kodakin рақамли камералардан воз кечишга маж-  
бур қилди. Шундай қилиб, бу борадаги барча патентларни у Flextronics  
компаниясига топширди. Kodakin ўзи эса бутун диктат-эътиборини ра-  
қамли камералар дизайнига ва маркетинг сиёсатига қаратади.

✓ Япониянинг космик агентлиғи 2030 йилга бориб, Ойда одам яшай-  
диган база қурилиши лойиҳасини тасдиқлади. Қўнчиқар мамлакатнинг  
яқин йиллардаги режаларидан бири — 2007 йилда Ойга яқин орбитага  
сунъий йўлдошини чиқариш ҳамда унинг юзасига автоматик аппаратни  
қўндиришдан иборат. Аппарат тупрок намуналарини олиб Ерга қайтиши  
керак. 2020 йилда Ойга биринчи япон астронавти қўниши мўлжаллан-  
ган. Улар 10 йил давомида база қурилиши билан шугулланади.

Ҳозирча Ернинг табиий йўлдошида охириги бўлиб қадам қўйган инсон  
Южин Кернан. У 1972 йили 11 декабрда Ойга тушган. 2015 йилда АКШ  
Марсга қилинажак парвозга тайёргарлик сифатида Ойга экспедиция юш-  
тирмоқчи. 15 йилдан сўнг Европа космик агентлигининг вакиллари ҳам  
Ойга сафар қилишяпти.

**Ушбу сонда:**

|                                |                                   |                              |
|--------------------------------|-----------------------------------|------------------------------|
| ОҚИЛИК ЎЗИНГДАН<br>БОШЛАНАР... | ЯҚИН ШАРҚ: ҲАМОН<br>ВАЗИЯТ КЕСКИН | ТЎГРИ ЙЎЛДАН<br>АДАШМОҚ ЁМОН |
| мозий бисоти 2                 | шарҳловчи нигоҳи 3                | долзарб мавзу 4              |

**IPOTEKA BANK**  
aksiyadorlik tijorat  
ipoteka banki  
QULAY VA FOYDALI XIZMAT





## ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Т. МАҲМАДАЛНОВ,  
“Адолат” мухбири

“Адолат” социал-демократик партияси Сурхондарё вилоят Кенгашининг IV Пленуми бўлиб ўтди. Унда вилоят партия Кенгашининг ярим йиллик фаолияти таҳлил қилинди.

Пленумда таъкидланганидек, жорий йилда турли соҳа мутахассисларидан иборат вилоят Кенгаши нафакат сон жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам ўзгарди. Термиш шаҳри ва 7 та туманда Кенгаш қотиблари иш бошлади. Вилоят Кенгаши ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш асосида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, Термиш Давлат университетида, шаҳардаги 4 та касб-хунар коллежи ҳамда ҳарбий қисмларда учрашувлар ўтказилди. Боқувчиларни йўқотган, ногирон ҳамда етимлар ҳолидан тез-тез хабар олинди.

Пленумда партиянинг ҳудудий ташкилотлари иши чуқур таҳлил қилиниб, зарур тақдир ва тавсиялар берилди. Жойларда партия тadbирлари таъсирчанлигини ошириш, кўламини кенгайтириш, партия сафларига янги аъзоларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар танқидий баҳоланди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Раҳимқул Чоршанбиев вилоят партия Кенгашининг биринчи қотиби этиб сайланди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

## ОДАМЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири

«Экосан» ташкилот экология ва саломатлик ташкилотиди бўлиб ўтган учрашувда Оролбўйида бўлиб қайтган навбатдаги саломатлик поезди иш натижалари муҳокама қилинди. Унда шифокорлар, экологлар, олимлар, мамлакатимиз жамоат бирлашмалари фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилатган қарорларга қарамай, минтақадаги экологик вазият мураккаблигига қолмоқда, деб таъкидланди учрашувда. Экологик инкироз маҳаллий аҳоли соғлиғига таъсир қилмоқда. Шу сабабли «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини амалга ошириш доирасида яқинда Қорақалпоғистонга саломатлик поезди жўнатилди. Тадбир «Экосан» томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси кўмагида ташкил этилди.

Поездда пойтахтдаги энг яхши клиникаларнинг турли ихтисосдаги профессор ва олий тоифали шифокорлари Оролбўйига борди. Улар замонавий даволаш ва ташхис қилиш усулларини билан жиҳозланган поезд вагонларида ҳамда туман маркази шифохоналарида ишлади. Поезднинг тиббий бригадаси раҳбари ДА-везов, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти неврология кафедраси ерданчиси А.Шайзаков,

Республика шошилини тиббий ёрдам илмий маркази мутахассиси Г.Тон тошкентлик шифокорлар гуруҳларга бўлиниб, 10 кун давомида Қорақалпоғистоннинг ҳамма туманлари аҳолисига тиббий-маслаҳат ерданчиси кўрсатгани ҳақида гапириб берди. Биринчи навбатда болалар, хотин-қизлар, қаришлар, ногиронларга эътибор қилинди. Пойтахтлик жарроҳлар 13 та операция ўтказди. Маҳаллий ҳамкасблар иштирокида касалликларнинг олдини олиш бўйича комплекс тadbирлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, поездда умумий қиймати 350 миллион сўмга тенг хайрия ерданчиси етказиб берилди. Унинг таркибига тиббий асбоблар, беморларга қараш учун зарур анжомлар, дезинфекция, санитария ва гигиена воситалари, чойшаблар, кийим-кечак ва пойабзаллар кирди. Шундан 78 миллион сўмлик товарлар Мўйноқ — Орол жожеаси марказида жойлашган шаҳар ижтимоий объекти ва кам таъминланган оилалари учун муҳалланган.

Сафар давомида «Экосан» фаоллари Мўйноқ туманидаги ижтимоий-экологик вазият билан танишди. Шу ерда ўтказилган йўналишда «Экосан», Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, бошқа республика тузилма ва компанияларининг туман аҳолиси ва ижтимоий объектига ҳомийлик ва хайрия ерданчиси кўрсатиш бўйича қўшма дастури муҳокама

қилинди. Шунингдек, Оролбўйида экологик туризмни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Бунинг учун эса ҳамма шароит бор — бетакрор табиат, кўплаб тарихий ёдгорликлар ва экологик ҳодисалар мавжуд. Мўйноқда маҳаллий меҳнат ресурсларини жалб қилган ҳолда эко-туризм инфратузилмасини яратишга келишиб олинди.

Поезд иш қўнлариди «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида» экофестиваллар республика марафони доирасида Нукусда Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган экологик фестивал ўтказилди. Марафон «Экосан» томонидан Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бағиш бўйича дастурининг бир қисми сифатида ташкил этилди.

Учрашувда таъкидландики, Ҳомийлар ва шифокорлар йили бошидан бери «Экосан» экологик вазият мураккаб ҳудудларга юборган хайрия ерданчиси умумий ҳажми 600 миллион сўмдан ошди. Йил охиригача «Экосан»нинг саломатлик поездлари ва автопоездлари Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳам сафар қилади.

Мозий бисоти

## ОҚИЛЛИК ЎЗИНГДАН БОШЛАНАР...

Азим Хожя Эшоннинг ижтимоий адолатга оид қарашлари

Нодирхон ҲАСАН,  
филология фанлари номзоди

Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари асос солган яссавийлик ҳикмат мактабининг кўзга қўрилган намоёниси Азим Хожя Эшондир. Унинг ахлоқий-дидактик ва ирфоний мазмундаги шеърларидан намуналар бизгача етиб келган. Аҳмад Яссавий ва унинг издошлари шеърлари жой олган “Девони ҳикмат” асарининг аксар қўлма нусхаларида Азим Хожя Эшоннинг кўплаб ҳикматлари учрайди.

1993 йили адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддин 1894 йилда Тошкентдаги Каменский мактабидида босилган Аҳмад Яссавий девонидан ўрин олган Азим Хожя Эшоннинг ҳикматларини нашрга тайёрлаб, чоп эттирди. Ҳикматларда инсонларни дину диниёни, виждоний бўлишга, инсонпарварликка, адолатга қараш бор. Инсонийликнинг энг ёрқин белгиси тенглик, камтаринлик ва ҳокиморлик эканини таъкидлаб, шоир бундай ёзади:

*Бандликни шартидир оҳистаю синулук,  
“Оҳистаю синулук”, деганда шоир, албатта, камтарликка ургу берган.*

*Дунё меҳрин қўймайин,  
Ҳақ ёдини аймайин,  
Нафсинг кўзин қўймайин,  
бўйинг бўлмас солулук*

— дер экан, шоир ўткинчи дунёга ҳаддан зиёд меҳр-муҳаббат қўйиб, фаний завқларга алданмасликдан, Ҳақ ва ҳақиқатни унутиб қўймасликдан огоҳ этди. Унингча, ҳар бир одам инсониятни йўлдан оздирувчи машъум “нафсинг кўзини ўйиши” даркор. Акс ҳолда, нафс домига тушган кимса инсон қиёфасидан чиқиб муқаррар.

Маълумки, зулм ва зуравонликка қарши кураш бадийи адабиётнинг энг долзарб мавзулариди. Айниқса, тасаввуф адабиётида бу масалага кўп ва ҳуб эътибор қаратилган. Ёмонлик ва разолатнинг манбаи сифатида нафс ва шайтон эътироф этиларкан, ориф шоир ўз турткиларида бу икки “душман”га қарши курашиш, уларнинг васвасаларидан қутулиш йўллари кўрсатди:

*Бандаман деб гафлат ичра ётса бўлмас,  
Ҳикмат қўймай нафс тоғидин ўтса бўлмас.  
Нафсу шайтон кўзларини ўйса бўлмас,  
Ҳақдан бўлмай нафс кўзини ўйғонларга.*

Азим Хожя Эшон ҳикматларида нафс ва дунё

доимо инсониятнинг ганими сифатида таърифланган. Шоир назарда тутган дунё, асосан, одамларни турғи йўлдан адаштирувчи бойликдир. Маъшур сўфий Яхё ибн Маоз: “Олтин-кўмуш чаёнди. Анинг афсусини ўрганмагунча илик узат-мағилмик, сени ҳалок қилур. Анинг афсуни ҳалолдин топиб, ҳақ-роста ҳарж қилмоқдур”, деган. Шу учун шоир дунё моли ва ўткинчи роҳат-фароғатга берилиб кетма, савобли ишларни бажар, инсонларга хайру саховати бўл, бева-бечораларга, етим-есирларга ёрдам қилини чўз, одил ва покиза ҳаёт кечир, дейди.

Азим Хожя Эшон яссавия тариқати вакили сифатида илоҳий ҳақиқат ва инсоний камолот сари интилаётган солиқларга панд-насихатлар орқали йўл кўрсатди. Айниқса, толибларнинг одоб-ахлоқи, маърифати бўлишларига эътибор қаратади. Унинг нуктаи назарига кўра, нафсини тарбиялаб қаноатни одат қилган, халқнинг маломатига тоқат этган солиқ “чин толиблар қаторидан” жой олади. Бундай орифнинг барча иши адаб ва гузал хулққа айланиб, ҳас-турса ҳар ишида Ҳақ ва халқни мамнун қилади.

Халқимиз орасида эран, авлиё, валий сифатида шўҳрат қозонган кўплаб зотлар ўтишган. Аҳмад Яссавий, Ҳаким ота Қул Сулаймон, Занги ота, Наҳмиддин Қубро, Баҳориддин Наҳшбанд, Хожя Убайдуллоҳ Аҳроқ каби қомил сиймолар шулар сирасидандир. Лекин ўтмишда уларнинг тарихий хизматларини менсимган, юксак қамолотини эътироф этмаган нодон кимсалар ҳам албатта бўлган. Азим Хожя Эшон ўз ҳикматларида ана шундай кимсаларни қаттиқ танқид қилади:

*Билур билмас, ақлингизга бино қўйиб,  
Эрларга тил текизманг, дўстларим.  
Қўрқарманким, ишқилгайсиз, ўйдин тойиб,  
Эрларга тил текизманг, дўстларим.*

Азим Хожя Эшон бундай кимсаларга: “Оқил эрсанг насихатни ўзинга қил, Эран айтган: “Ўзгани қўй, ўзингни бил”, дея насихат беради. Шоирнинг эътирофига, “фахму доишлари ладун илми” бўлган покдомон, худжой бундай зотларга тил текизишдан сақланиш ва улларга эҳтиром кўрсатиш зарур. Шоир эрларга бу даражада ҳурмат қўрсатгани боиси шук, уллар маънавий-руҳий жиҳатдан пок, нафсини тарбиялаган, ахлоқан баркамол шахслар бўлиб, уларнинг инсонпарвар фикр-қарашлари билан эл-улусни зулматдан нурга етаклаганлар. Ҳақ ва ҳақиқат учун жонларини фидо этганлар.

Албатта, шоир бундай фикрлари билан ижтимоий ҳаётда тенглик ва адолатнинг ўрнатилишига, фуқаролар орасида тотувлик ва бирдамликнинг барқарорлашуви, аждодлар хизматини муносиб қадрлашга хизмат қилган.

Агросервис

## ЛИЗИНГ — САМАРАЛИ УСУЛ

Улукбек ХОЛИҚОВ,  
Тошкент Молия институти талабаси

Мамлакатимизда “Пахтабанк”, “Галлабанк” каби молия муассасалари томонидан иқтисодийеътимиз юксалишига катта улуш қўшаётган фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун лизинг хизматидан фойдаланувчилар сони йилдан йилга ошиб бораётди.

Қувончлиси, агар республикамызда 2003 йилда лизинг битимларини молиялаш билан 17 та лизинг компанияси ва тижорат банки шугулланган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони салкам 30 тага етди. Таъкидлаш жоизки, лизинг хизматининг сон ва сифат жиҳатдан ўсишида Президентининг “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Чун-

ки, ушбу Фармонга кўра, лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан, лизингта бериладиган технология усулларига эса божхона тўловларидан озод этилди. Айни чоғда, лизинг олувчи лизинг объекти бўйича мулк солиғи тўламайди. Шунингдек, лизинг олувчининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базаси белгиланаётганида, унинг жами даромадидан лизингта оид фойзалар ҳамда амортизация ажратмалари чегириб ташланади.

Шу ўринда эслатиш жоизки, лизинг олувчи ва берувчи ўртасида имзоланаётган шартнома қуйидаги талаблардан бирига мос келиши шарт:

— шартнома муддати тугагандан кейин лизинг объекти лизинг олувчи мулкига ўтади;

— шартнома муддати лизинг объекти хизмат қилиш муддатининг 80 фоизидан ортигини ёки лизинг объектининг қолдиқ қиймати, шартнома муддати тугагач, унинг бир-

ламчи қийматининг 20 фоизидан камини ташкил этиши керак;

— лизинг олувчи лизинг объектини белгиланган нархда ёки шартнома муддати тугагандан кейин белгиланадиган нархда бутунлай сотиб олиш ҳуқуқига эга;

— лизинг шартномаси даврида тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоиздан ортигини ташкил этиши лозим.

Истеъмолда бўлмаган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, қорхоналар, мулкий мажмуалар, бинолар, иншоотлар, ускуналар ва транспорт воситалари, шунингдек, тadbиркорлик фаолиятида фойдаланадиган ҳар қандай қўчар ва қўчмас мулклар лизинг объекти сифатида берилиши мумкин. Бундан ташқари, ер учаскалари ва бошқа табиий объектлар ҳам лизингта берилади (Эркин муомалада бўлиши қўнунчилида таққиланган ёки муомаланинг алоҳида тартиби жорий этилган мол-мулклар бундан мустасно).

Ёркул УМАР,  
ЎЗА мухбири

Қизилтепа тумани миришкорлари қатор йиллардан буён пахтачиликда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Шартнома мажбуриятини Навоий вилоятида биринчилардан бўлиб урдалаб келатган туман деҳқонлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Қарийб ўн минг гектар майдонда гўза парваришлаётган миришкорлар зарур агротехник услублар ва деҳқончиликнинг илгор тажрибаларидан унумли фойдаланмоқда. Гўза баравж. Ҳосил туғунчалари — шонага, шоналар қўскача айланмоқда. Зараркунанда ҳашаротларга қарши қурашда биологик усулдан кенг фойдаланилаётгани яхши самара бераётти.

Август — гўза парваришида ҳал қилувчи ой. Тажрибали пахтакор бу ойда ҳосилга-ҳосил қўлиш, туғи сугориш, гўза қатор ораларида ишлов бериш, чилпиш каби юмушларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади.

Тумандаги Қосим Қобилов номидаги, «Деҳқонobod», «Зармитан», «Бухоро», «Варозун» ширкат хўжаликларида бу ишлар кўнгилдагидек ташкил этилган.

«Малик жавдар жаҳоҳири», «Нодиржон орзуси», «Гулҳаё мафтун», «Анзират ташаббуси», «Фахриддин Ойбек», «Мастурабону», «Мурод Давлат Шерзод» каби унлаб фермер хўжаликларидаги гузаларнинг ҳар тўғида 20-25 тадан тўқ қўсак санаш мумкин.

— Гўзада ҳосил қўпайгани сайин қатор ораларига ишлов бериш қилинлашаварида, — дейди «Малик жавдар жаҳоҳири» фермер хўжалиги раиси Меҳриддин Очиллов. — Шу боис кўннинг иссиқ пайти ишлашга тўғи келади. Жазирама иссиқда трактор бошқариш осон эмас. Тўғроқдаги сув, ўғит ва бошқа озиқ моддалар таъминоти, пайкалдаги ҳаво алмашиш меъёрида бўлмаса, гўза ҳосил ташлабди. Кекса, тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда август ойида гузаларни шарбат сувига тўғдириб, ана шу йўл билан баракали ҳосил тўғлашмиш.

Ҳа, мўл ҳосил ўз-ўзидан етишмайди. У, аввало, ўз вақтида қилинган заҳматли меҳнат, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, илгор технологияларни оқилона қўллаш орқали қўлга киритилади. Августдаги зарбдор меҳнатни пахтадан мўл ҳосил олиш гарови, деб билган қизилтепалик деҳқонлар эса ана шундай йўл тутмоқдалар.



Қилмиш-қидирмиш

Хусниддин НАСРИТДИНОВ,  
Шапакат РОЗМУҲАМЕДОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖЖДЛК Департаменти ходимлари

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қўйиштиришга доир қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида муайян тижорат-таҳлилий ва қидирув ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда ўтказилган тезкор тadbирлар натижасида 503 та қўнунбузарлик ҳолати аниқланиб, 487 та жиноий, 16 та маъмурий иш қўзғатилди, 236,9 миллион сўмлик алкогольли маҳсулотлар данилий ашё сифатида олиб қўйилди. Жумладан, Нукус шаҳрида яшовчи фуқаро Д.Ибрагимов узининг бошқарувидаги «Нексия» русумли автомашинасида Маданият қўчаси 10-йўга 1,5 литрли 210 дона пластмасса идишда бўлган этил спиртини тушираётган вақтида қўлга олинди. Текширув давомида бу манзилда Д.Ибрагимов томонидан сотиш мақсадида олиб келинган 2 270 538 сўмлик 2052 литр спирт маҳсулотлари мавжудлиги аниқланди. Унга нисбатан ЖКнинг 186-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Ўтган давр мобайнида 60 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди, 7716,5 миң сўмлик спирт ва алкоголь маҳсулотлар ҳамда ишлаб чиқариш ускуналари белгиланган тартибда йўқ қилинди. Масалан, Норин туманилик Муяссар Худадатова ўз уйида ноқўнуний равишда спиртли ичим-

зиб берилди. Ортиқча тайёрланган 72 тонна дон аҳолига тарқатиш ва эҳтиёжлар учун қолдирилди. Қўшма қорхоналар томонидан жами 286,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Бу ютуқда «Навоий СИЛК», «Навоий Лада», «Грант тексти», «Бентонет» ва «Полимир Синтез» қорхоналари жамоаларининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Президентимизнинг «Ийрик саноат қорхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилди. Фармон ижроси оқсидан тadbирлар дастури тузилиб, жойларда касаначилик ишлари авж олиб кетди. «Сардоба-парранда» акциядорлик жамияти, «Зарафшоннинг зар тўғроғи» шўба қорхонаси, «Дўстлик» агрофирмаси сингари меҳнат жамоалари томонидан жами 60 та шартнома тузилди. Шунингдек, «Ўзбекистон», «Маданият» ва К.Раҳимов номли ширкат хўжаликлари билан 256 та шартнома асосида касаначилик ташкил этилиб, 95 фоиз фуқаро янги иш ўринларига эга бўлишди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш учун Ойбек ва К.Раҳимов номли ўрта мактабларни капитал таъмирлашга киришилди. Шу билан бирга педагогика коллежи, «Нарпай» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда болалар спорт мажмуаси, Б.Эсанов номли мактабда спорт зал қурилиши қизгин давом этмоқда. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши соҳаларида, қоларса, аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси туманимиз истиқболига шахсан мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз бераётган катта эътибор ҳамда гамхўрлик натижаларидир. Ва айна пайтда қарманалик ҳар бир фуқаронинг мустақиллигини нафакат унут нєрма, балки уни залворли ютуқлар билан мустахкамлаб бориш — ҳар бир киши учун юксак бурч ва катта масъулият эканлигини англаганларидан далолат.

Ислохот самараси

## ФАРОВОНЛИК САРИ ОДИМЛАР

Маҳмуд БОБОҚУЛОВ,  
Кармана туман ҳокимининг ўринбосари

Кармана — Навоий вилоятидаги яна эмас, балки республикамызда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга туманлардан бири. Тарихчиларнинг шаходат беришича, туманимызда қадим қадимдан савдо-сотиқ, хўнармадчилик, деҳқончилик, илму фан ривож топган. Қўллаб астуз авлиёлар, шоирлар етишиб чиққан. Унлаб қаровонсаройлар, хонақоҳ, масҷидлар қурилган. Табиатан ҳам гузал жўғрофиёи ўринга эга. Худуддан оқиб ўтган Зарафшон бог-роғлар ва деҳқончиликка фазл, кўт-баракда киритган.

Туманимиз истиқлол йилларида анада гуллаб-яшнади. Қишлоқлар чирой очди. Аҳоли турмуш фаровонлиги кўтарилди. Мамлакатимизда олиб борилаётган хусусийлаштириш, фермерлик ҳаракати сингари ислотларнинг қарманаликлар биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватландилар. Хусусан, тadbиркорлик ва кичик бизнес тулкини туманда катта ўзгаришларга олиб келди. Саноат ривож топиб, қўшма қорхоналар қўпайди. Касб-хунар коллежлари қатори янги-янги мактаб бинолари, стадионлар, спорт мажмуалари қад кўтарди.

Туманининг 2006 йил ярим йиллик иқтисодий ва микроиқтисодий кўрсаткичлари залворли бўлди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 77,4 фоиз, халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш 102,4, чакана мол илганиш ҳажми 120,5, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 134,1 фоизни ташкил этди. Маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисми режадаги 3455,6 миллион сўм ўрнига 3559 миллион сўм қилиб адо этилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 25,2 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,3 фоиз ўсиш кузатилади. Шундан 9,4 миллиард сўмлиги деҳқончилик маҳсулотлари, 15,7 миллиард сўмлиги эса қорвачилик маҳсулотларидир. Пилла етиштириш ҳам ўтган йилга нисбатан 16,59 тонна кўп бўлишига эришилди. Дон тайёрлаш борасидаги кўрсаткичлар, айниқса диққатга сазовор бўлди. Давлат қабул пунктларида 12965 тонна дон етказ-

## “ИЧИМЛИК” КЕЛТИРГАН ҚУЛФАТ

ликлар ишлаб чиқариш билан шугулланиб келган. Ачинарлики, у бу ишга ўли Музаффар Абдусаторовни ҳам жалб қилган. МХУ-дадаговнинг хонадони кўздан кечирилганида 98 литр спирт, 2100 дона қалбаки акциз маркаси, 15 та спиртометр ҳамда қўллаб металл қопқоқ ва қопчиқлар борлиги маълум қилинди. Она-бола шаробфуршулар энди қонун олдиди жавоб беришди.

Дарвоқе, спирт ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи қорхоналар мутаасдилари ҳамда бундай маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан ҳам қўнунбузарликка йўл қўйлаётгани ачинарлики танхос.

Ҳайрисабз тумани “Танхос” қўғрончаси ҳудудидида ҳаракатланаётган, фуқаро Зухриддин Номозов бошқарувида бўлган “Камаз” автомашинаси департамент ҳодимларида шўба уюмгиди. Автомашина тўхтабди, юкхонаси кўздан кечирилганда маълум бўлдики, “Карвон” Ўзбекистон-Исроил қўшма қорхонасида ишлаб чиқарилган 16 465 дона, оз эмас-кўп эмас, нақд 15 миллион сўмлик арок сохталаштирилган ҳисоб варақаси билан сотиш мақсадида олиб келинаётган экан.

“AYSEL INVEST” ОАЖ шаклидаги қўшма қорхонага қарашли “Radison SAS” меҳмонхонаси бош менеждери, чет эл



## Муносабат

ЭРКИНЛИК ВА  
ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК

борасида фуқаро ҳимоясининг самарадорлиги ошади

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ,  
Адлия вазирлиги бошқарма  
бошлиғи ўринбосари

Республикада инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, мустақил ва адолатли суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Президентимизнинг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ана шундай муҳим ислохотлардан бири бўлди.

Таъкидлаш керакки, мазкур Фармоннинг қучга кириши натижасида фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлигининг ҳимоя қилиниши самарадорлиги янада ортиши кўзда тутилган. Чунки санкция ваколатининг судларга берилиши, уларнинг жиноий ишни очишга масъул эмаслиги ушбу ишга анча ҳолисона қарашларни келтириб чиқаради, инсон тақдирини кўр-кўрона ҳал қилишнинг олди оли-нади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқларини, яъни озо-дликка булган ҳуқуқларини чек-лаш фақатгина судлар томони-дан белгиланиши умумэтироф этилган нормаларга мос келади. Қолаверса, жиноятни очиш ҳамда тергов жараёнларида прокурор ва адвокат мавқеини тенглашти-риш имконияти тугилади. Сабаб-ки, тергов ва суд жараёнида гу-монланувчи ёхуд айбланувчига нисбатан қамоққа олиш чораси-

ни қўллаш ёки қўлламаслик тўғриси-даги прокурор ва адвокатнинг ари-заси фақатгина учинчи ҳолис томон – суднинг қарори билан белгилана-ди. Бу эса судларга нисбатан ишонч-ни мустақамлашди.

Яна бир масала. Маълумки, жино-ят содир этишда айбланётган шахс-ни бир давлатдан бошқасининг ишти-роғига бериш – экстрадиция қилиш учун унга нисбатан қамоқ чораси қўлланган бўлиши керак. Фақат бу-ндай ҳолларда прокурорнинг қамоққа олиш тўғрисидаги санкцияси хори-жий давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқий ҳужжат сифатида тан олин-майди, фақат суднинг қарори талаб қилинади. Судларга санкция ваколат-ининг ўтказилиши бу масалани ижо-бий ҳал этади.

Шу ўринда савол тугилади: нима учун санкция ваколатини судларга бериш бу қадр узоқ муддатга, яъни 2008 йилга қадр қолдирилди? Чун-ки, аввало қамоққа олишга санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш-нади. Шу билан бирга, фуқаро-ларнинг ҳуқуқларини, яъни озо-дликка булган ҳуқуқларини чек-лаш фақатгина судлар томони-дан белгиланиши умумэтироф этилган нормаларга мос келади. Қолаверса, жиноятни очиш ҳамда тергов жараёнларида прокурор ва адвокат мавқеини тенглашти-риш имконияти тугилади. Сабаб-ки, тергов ва суд жараёнида гу-монланувчи ёхуд айбланувчига нисбатан қамоққа олиш чораси-

Кадрлар масаласи, яъни етарли малакага эга мутахассисларни та-лаш ҳам муҳим аҳамиятга эгалигини ай-

тиш жоиз. Чунки қамоққа олишга санкция берган судлар томонидан ишларнинг мазмунан кўриб ҳал қилиниши уларнинг субъективлик-ка, яъни ўз қарорини тасдиқлаш тарафдори бўлишга олиб келиши мумкин. Бу эса ишнинг ҳолисона қўрилишига салбий таъсир кўрса-ди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, бизнингча, про-фессинал судьялар сонини кўпай-тириш ёки алоҳида маъмурий суд-лар тузилиши лозим. Албатта, бу ишни ҳам бирданига амалга оши-риб бўлмайди.


Масалага доир хориж амалиёти-га ҳам назар ташласак. Мисол учун, Франция суд-ҳуқуқ тизимида су-риштирув ва тергов олиб бориш даврида (суриштирувчи, яъни по-лиция ва суд терговчиси прокурор-га тобе эмас) қамоққа олиш бўйича суднинг қучли назорати ўрнатил-ган. Суд терговчиси томонларнинг фикрларини яхшилаб ўрганиб чи-ққанан кейин эҳтиёт чорасини қўллашнинг сўраб тулганган ҳужжат-ларни судга юборади.

Германия жиноят-процессуал ти-зиммида эса полиция ёки прокурор лозим деб топган ҳолларда гумон-ланувчи ёки айбланувчини ордери-сиз ҳибсга олиш мумкин. Лекин дарх-ол эҳтиёт чорасини қўллаш учун суд-дан санкция олинади. Худудий суд қамоққа олишга санкция бериши учун етарли асослар борлигини ўр-ганиши шарт бўлади, акс ҳолда энг енгил эҳтиёт чораси қўлланади.

## Банк

«ИПОТЕКА-BANK»:  
ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ ХИЗМАТТиллабой ҚОСИМОВ,  
Республика АТИБ  
"Ипотекабанк" қурилиши  
молиялаштириш ва инженер-  
техник назорат бошқармаси  
бошлиғи

Бундан ўн йил аввал, 1996 йилда Тошкент шаҳрида Республика Президенти Фармони асосида аҳолининг турар-жой шaroитларини яхшилаш, фуқароларнинг маблағларини уй-жой қурилишига қаратиш мақсадида, бизнингча, профес-синал судьялар сонини кўпай-тириш ёки алоҳида маъмурий суд-лар тузилиши лозим. Албатта, бу ишни ҳам бирданига амалга оши-риб бўлмайди.



гиди иш бошлади.

Пойтахтда шу йилиёқ банк томо-нидан мақсадли йўналтирилган пул маблағлари ҳисобига аҳоли учун уй-жойлар қурилиши бошлаб юборил-ди. Лекин виллоятларда ҳам уй-жой қурилишига бўлган эҳтиёж пойтахт-дагидан кам эмас эди. Шу боис 1997 йилнинг 24 мартда Президентимиз-нинг одамлар турар-жой шaroитла-рини янада яхшилаш мақсадида рес-публиканинг барча ҳудудларида уй-жой қурилиши учун аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш бо-жарасидаги пойтахт-тажрибасини кенг-ейиш хусусидаги Фармони эълон қилинди. Фармонда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошўйжойжамгарма-банки»нинг аҳолининг бўш пул маб-лағларини жалб қилиш йўли билан уй-жой қурилишини ривожлантириш тажрибалари маъқулланиб, мазкур

тажрибани мамлакатимиз бўйлаб кенг-ейиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган. 1997 йилнинг 22 июли-да Вазирлар Маҳкамасининг банкни «Ўзўйжойжамгармабанки»га айлан-тириш тўғрисидаги қарори чиқди. Унга кўра, банк таъсисчиларининг тақлифи қабул қилиниб қўшимча ки-ритилган 250 миллион сўм ҳисобига муассасанинг қимматбаҳо қозғал-рини чикарилди. Акцияларни бозорда эркин сотиш ҳисобига банкнинг ус-тав фонди 750 миллион сўмга етказил-ди. Натижада банк давлат акция-дорлик уй-жой жамгарма банкига айлантирилди. Уй-жой қурилиш учун сарфланадиган пулнинг 50 фоизи давлат маблағлари ҳисобидан қоп-ланадиган бўлди.

Банк зиммасига индивидуал уй-жой қурилиши ҳамда турар-жой со-бино олиш учун узоқ муддатли, имти-ёзли ипотека кредитлари билан таъ-минлашни жорий қилиш, аҳоли учун уй-жой қурувчи ҳужжатли субъектла-ри фаолиятини кредитлаштиришга қўмақлаштириш вазифалари юклатил-ди. Шу билан бирга уй-жой қурилиши-ни ривожлантиришга халқаро ва мам-лакатимиздаги молия институтлари-нинг инвестиция ҳамда грантлари-ни жалб қилиш, республика ҳудуди-да банкнинг иштирослашган хизмат-ларидан аҳоли кенг-фойдалана оли-ши учун филиал тармоқларини ри-вожлантириш ҳам банкнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Ипотека кредитлари аҳоли учун жуда қулай. Чунки маблағ қурила-ш билан «ёки таъмирланган» бино-жойлашган ер майдони билан бир-

жой бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Бу вақтга келиб аҳоли-нинг турмуш даражаси орта борди. Индивидуал уй-жой қурилиши қўп-ла бошлади. Шу муносабат билан Рес-публика Президентининг аҳолининг замонавий, барча шарт-шaroитлар-га эга уй-жойларга бўлган эҳтиёж-ларини янада тўлароқ қондириш мақсадида кичик шаҳарлар ҳамда қишлоқ жойларда турар жойлар қурилишини тездаштириш, уй-жой-лар қурилишини узоқ муддатга мулжалланган имтиёзли - ипотека кредитлари билан таъминлаш ҳақидаги Фармони чиқди. Унга кўра «Ўзўйжойжамгармабанки» ҳамда «Заминбанк» акционерлари тақлифи билан икки банк бирлаштирилиб, «Ипотекабанк» ташкил этилди.

Банк зиммасига индивидуал уй-жой қурилиши ҳамда турар-жой со-бино олиш учун узоқ муддатли, имти-ёзли ипотека кредитлари билан таъ-минлашни жорий қилиш, аҳоли учун уй-жой қурувчи ҳужжатли субъектла-ри фаолиятини кредитлаштиришга қўмақлаштириш вазифалари юклатил-ди. Шу билан бирга уй-жой қурилиши-ни ривожлантиришга халқаро ва мам-лакатимиздаги молия институтлари-нинг инвестиция ҳамда грантлари-ни жалб қилиш, республика ҳудуди-да банкнинг иштирослашган хизмат-ларидан аҳоли кенг-фойдалана оли-ши учун филиал тармоқларини ри-вожлантириш ҳам банкнинг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Ипотека кредитлари аҳоли учун жуда қулай. Чунки маблағ қурила-ш билан «ёки таъмирланган» бино-жойлашган ер майдони билан бир-



галикда гаровга қўйилган ҳолда бе-рилади. Шунинг учун миқозлари-миз сони кун сайин ортиб бормоқ-да. Мисол учун, банкимиз ташкил этилган йили ипотека кредитлари-ни республика бўйича бор-йўғи 9 киши олган эди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса миқозлари-миз сони 109 тага етди. Берилган кредитлар эса 998 миллион 554 минг сўмга ортди.


Республикаимизнинг Навоий, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё виллоятларида банкимиз хизматларидан кенг-фойдаланилмоқ-да. Навоийда бу кўрсаткич 92 мил-лион 811 сўмни ташкил этган бўлса, Қашқадарёда 36 миллион 468 сўмга етди. Биз ипотека кредитлари аҳоли-мизнинг тобора кўпроқ қатламлари ичига кириб бориши учун бор им-кониятларимизни ишга солмоқдамиз. Уй-жой қурилиши тендер танловла-ри асосида, молиявий жиҳатдан ба-қувват, бинолари белгиланган муд-датда қуриб фойдаланишга топши-риш қувватига эга бўлган ташкилот-ларга топширилмоқда.



Н. ХАЙДАРОВ олган суратлар

## Шарҳловчи нигоҳи

## ЯҚИН ШАРҚ: ҲАМОН ВАЗИЯТ КЕСКИН



А. НАЗАРОВ

Яқин Шарқда кечаётган но-тинч вазият Ливан ва Ғазо мин-тақсига катта зарар келтирмоқ-да. Исроил ҳарбийлари томони-дан Ливан, Ғазо сектори ҳамда Иордан дарёсининг гарбий со-ҳилида амалга оширилаётган ҳар-бий операциялар туфайли қўллаб-қувватлаш муассасалари, турар жой бинолари, кўприклар ва бошқа муҳим иншоотлар бўғунлай вай-рон бўлаётди.

Ғазо секториди шу ҳафта бо-шида амалга оширилган Исроил ҳаво ҳужумлари туфайли 38 фа-лстинлик, жумладан, етти на-фар гуфдақ ҳалок бўлди, 130 киши оғир жароҳатланди. Унга яқин турар жой вайронга айланди. Фалас-

тиннинг гарбий ҳудудлари тўлиқ Исроил назоратига ўтди.

«Франс Пресс» ахборот агентли-гининг хабар беришича, 2 август кун-и Ливандаги «Ҳезболлох» гуруҳи Исро-ил ҳудудига қарата 160 га яқин раке-тани учирган. Ракеталар Исроилнинг Нагария, Рош-Пина, Теверия, Акре ва Цфат шаҳарларига бориб тушган. Бу «Ҳезболлох» гуруҳининг тўқнашувлар бошланган вақтдан буён энг қучли зарбаларидан бири бўлгани эътироф этилмоқда. Исроилнинг Ливандаги ҳарбий операциялари эса мамлакат-нинг жанубий ҳудудларини анча аянч-ли аҳволга келтириб қўйди. Шунинг учун Ливан жанубига худлик билан инсонпарварлик ердмалари жунатил-моқда. Лекин йўлларнинг анчагина қисми бузилиб кетгани инсонпарвар-

лик ердмаларни етказиб беришни қи-йинлаштирмоқда.

Маълумотларга кўра, Ливанда ёниги миқдори бор-йўғи шу ҳафта охиригача етадиган даражада кам қолган. Ҳозир БМТ мамлакат ёниги захирасини тўлдириш мақсадида Қуддус шаҳрида Исроил ҳукумати билан ёниги ортлган танкерлар-нинг Байрутга киритилиши бораси-да музокара олиб бормоқда. Чунки Исроил ҳарбийлари қўллаб инсон-парварлик ердмаларини Ливан ҳуду-дида киритилишига тўқнаш қила-япти. Ўз ўрнида Жаҳон озиқ-овқат ташкилоти Исроил армиясининг бу ҳаракатларидан норозилик билди-рган. Маълум бўлишича, Ливан жану-бидида аҳоли, айниқса, болалар учун озиқ-овқат ва дори-дармон келти-рилаётган ўн олти юк автомобилли-дан олти тасицига Ливанга кира ол-ган, ҳолис.

Исроил ҳарбий ҳаракатлари на-тижасида «Ҳезболлох» гуруҳининг 49 нафар аъзоси ҳалок бўлган. Исроил маъбуларига бу ракам ўн марта оши-риб кўрсатилмоқда. Ҳозиргача Ли-ван томонидан жами 540 фуқаро ҳаётдан кўз юмган бўлса, уларнинг 468 нафарини тинч аҳоли вакилла-ри ташкил этади. Ливан солиққни сақлаш вазирлиги вайроналар ос-тида ҳам қўллаб инсонлар борлиги ва шу боис қурбонлар сони 750 тага етиши мумкинлигини маълум қил-ган. Исроил томонидан эса 54 киши ҳалок бўлгани ва улардан 18 таси тинч аҳоли вакиллари эканлиги таъ-кидланмоқда.

## Гуёҳвандлик — иллат

## ҚАБИҲ ЙЎЛ

Дилфуза РИЗАЕВА,  
Жиноят ишлари бўйича  
Шоёфрон туман суди раиси

Инсон нафс йўлида қаноат де-луретганини уйлаб ҳам қурмай-ди. Алишер Баракеев ҳам катта силангнинг сарбони эди, муқобил машина-трактор паркида уста бўлиб ишларди. Топаетгани рўзгорини тебратилишга етса-да, кат-тароқ даромад топиш йўлларини излаб бошлади. У танлаган йўл охири разолат, жиноят эканлиги-дан ташвишланмади.

2004 йил март ойида тарки-биди гуёҳванд модда мавжуд ка-нон ўсимлигини узиға тегишли ер майдонидан парваришлаб ўстирган Алишер аста-секин «ми-жозили ҳам бўлди.

Иш жойига таниши дўрмон-лик Ғайрат суриштириб келгани-

да ҳечам ажабланмади. Қайтага «харидор» топиб келган Ғайрат-дан ичиди хурсанд бўлди.

— Анавидан керак эди.  
— Ҳозирча йўқ, — деди Алишер савдони қилиш учун. — Мабодо топилса тушдан кейин телефонла-шармиз. Парот: «Уроқ тах бўлди-ми?», «Уроқ тах эмас» десам ке-лишга ҳожаз йўқ. «Келаверишлар» десам товар борлигини билиб ола-сизлар.

Айитган вақтда, келишган жой-да, парол жумлаларидан сўнг «ажал уруғи» пулланди. Харидор ҳам, та-ниши Ғайрат ҳам қонун ҳимоя-чилари қўйган тузоққа йилинди.

Суд ҳукмига биноан Ўзбекис-тон Республикаси ЖКнинг 270-, 273-моддаларининг тегишли қисми билан айбни деб топилган А.Ба-ракаев 3 йил муддатга озодлик-дан маҳрум этилди.

## Сўраган эдингиз

## ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Иқтисодда мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти, ялпи миллий маҳсулоти, деган иборалар учрайди. Бу тушунчалар нимани англатади? Уларнинг ўзаро фарқи нима-дан иборат?

Анвар САТТОРОВ, Самарқанд виллояти

Ялпи ички маҳсулот тегишли иқтисо-дий учун ички ишлаб чиқариш омили-рида яратилган маҳсулот қийматини ба-ҳолайди.

Ушбу иқтисодийга эга мамлакатлар-нинг ҳозирги даврдаги амалиётида ялпи миллий маҳсулот эмас, балки ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш анча осонроқ. Чун-ки мамлакат фуқароларининг хорижда иш-лаб чиқарган маҳсулотлари ҳақидаги ста-тистик маълумотларни тўплаш бирмунча қийин.

Маҳсулотларнинг аксарияти бозорга ке-либ тушишидан аввал бир неча ишлаб чиқариш босқичидан ўтади. Мураккаб то-варларнинг айрим қисмлари ва компо-нентлари бир неча марта ҳисобланишига йўл қўймаслиги учун пировард маҳсулот-

нинг фақат бозор қиймати ҳисобга оли-нади. Кўрсатиладиган хизмат турлари ҳам худди шу тарзда қамраб олинади.

Ялпи ички маҳсулот ўсиши саннат маҳ-сулотлари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотла-ри ишлаб чиқариш, шунингдек, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар ҳамда кўпайиши ҳисобига таъминланади.

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи аҳоли жон бошига тақсимланганда мамлакат-даги иқтисодий имкониятлар янада ой-динлашади. Масалан, Хитой иқтисодиё-тида ялпи ички маҳсулот ҳажми жуда юқори, аммо 1 миллиард 300 миллион аҳолига тақсимланганда, атиги 250-300 долларни ташкил этади. АҚШ, Япония ва Германияда эса бу кўрсаткич 1500-2500 долларга тенг.

## Хориж хабарлари

## ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

Чоршанба кун-и Таиланднинг бир йўла тўрт виллоятда кетма-кет портлашлар юз берди. Маҳал-лий полициячиларнинг маълумо-тига кўра, террорчилик ҳаракат-лари Сонгх-ла, Наратхиват, Патта-ни ҳамда Яла виллоятларидаги маъмурий бинолар, полиция ма-ҳкамалари, турар жой бинолари, мактаб, дукон ва будда ибодат-хоналарида амалга оширилган. Оқибатда уч полициячи қурбон бўлиб, уч фуқаро жароҳатланган.

Сўнгги икки йил мобайнида Таиланднинг жанубий қисми те-ррорчилик ҳаракатлари кўп содир бўлаётган ҳудудлардан бирига айлан-ди. Бу ердаги маҳаллий исён-чи гуруҳлар давлат муассасаси ходимлари, ҳарбий хизматчилар ва будда раҳнаомаларига нисба-тан террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб келаётди. Ҳозир-гача ҳукумат ва исёнчи гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар туфайли 1,5 мингдан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди.

Шу кун-и Афғонистон пойтахти Қобулда ҳам қучли портлаш со-дир этилди. Автомобилга ўрна-



тилган портловчи мотаманинг жанга-ри томонидан ҳаракатга келтирилиши натижасида бир неча киши жароҳат-ланди. Айни пайтда ушбу иш юзаси-дан тергов ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, дунёдаги энг нотинч ҳудуд — Ироқда ҳам террорчилик ҳа-ракатларининг охири қўрқинмапти. Пой-тахт Бағдод марказида содир этилган портлашлар уч ироқлик ҳаётига зомин бўлган, яна тўққиз нафарига жиддий тан жароҳатини етказган. Умуман се-шанба кун-и Ироқнинг турли туманла-рида юз берган хунрезликлар натижа-сида 70 дан ортиқ инсон қурбон бўлди.

## ЭРОНГА НИСБАТАН РЕЗОЛЮЦИЯ

БМТ Хавфсизлик кенгаши расмий Техрондан урани бойитиш ва унга қайта ишлов бериш билан боғлиқ фаолиятини жорий йил 31 августга қадар тўхтатишни талаб қилди. Ду-шанба кун-и қабул қилинган 1696 ракамли резолюцияни Хавфсизлик кенгашининг ўн тўрт аъзоси қўллаб-қувватлади, фақат Қатар вакили қарши овоз берди.

Эроннинг БМТдаги доимий ваки-ли Жавод Зариф резолюция ҳеч қан-дай асосга эга эмаслигини айтиди. Чунки тинчлик мақсадларига қара-тилган ядровий дастур жаҳон ҳам-жамияти учун умуман таҳдид туг-дирмайди. Унинг фикрича, резолю-циянинг қабул қилиниши минтақада шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятнинг янада кескинлашишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, Жавод За-рифнинг таъкидлашича, резолюцияни Эронга таъйиқ ўтказишга ури-ниш деб тушуниш мум-кин. Расмий Техрон Ғарб давлатлари билан зид-диятлар боришни иста-майди, аксинча ўзаро

ҳурмат асосида музокаралар ўтказиш тарафдори.

Резолюцияда Эрон талабни бажар-маса, БМТ Низоимининг 41-моддасига мувофиқ иқтисодий жазо қўлланили-ши таъкидланган. Мазкур модда ҳар-бий қуч ишлатишни назарда тулмай-ди. Бу Эрон ядровий муаммосини бартараф этиш асосан дипломатик йўл билан амалга оширилади, деган-нидир. Муаммо ечимига айнан шун-дай ёндашиш қўтилиқ мамлакатлар-нинг резолюцияни қўллаб-қувватла-шига сабаб бўлди.


Мутахассислар резолюция матнида ноаниқлик ва ноҳилисизларга йўл қўйилмаганини айтишмоқда. Айнан бу МАГАТЭ ва «ОИИЛ» тақлифи Эрон томонидан илҳомий жавоб беришига олиб келса ажабмас. Шу билан бирга,

Расмий Техрон му-аммони тинч йўл билан ҳал этиш та-рафдори эканини бир неча бор таъ-кидлагани қўчили-қда масаланинг дипломатик йўл билан ҳал этилишига умид боғламоқда.

## Жаҳон парламенти: Польша

## СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА ТАФАККУР

Сейм ҳаётида муҳим ўрин тутади



Узоқ тарихга эга Польша парла-менти Сеймининг ҳуқуқий асослари 1997 йилда қабул қилинган мамлакат Конституциясида белгиланган. Унга кўра, Польша Республикаси демок-ратик давлат бўлиб, тенг ҳуқуқлиқ, таъмоийлига асосланган қонун асоси-да бошқарилади. Конституцияда ҳар бир инсоннинг аҳралмас ҳуқуқи эр-кинлик, дая қайд этилган. Қонун чи-қарувчи ва унинг ижросини назорат қилувчи мамлакат парламенти ҳам

эркин сайлаш асосида шакллан-тирлади.

Мамлакат сиёсий тизимининг аҳралмас қисми ҳисобланган Сейм Сенат билан биргаликда қонун-чилик масаласи билан шугулла-нади. Бирок, айтиб ўтиш жоизки, қонун чиқариш бўйича икки па-латанинг имконияти бирдек эмас. Конституцияга биноан Сейм қонунчилик жараёнида етакчилик-ни қўлга киритиши лозим.

Сейм Вазирларни назорат қилиш ҳуқуқига эга, на Президент, на ҳукумат мамлакатда факултотда ҳолат эълон қилиши мумкин эмас (уруш ҳолати бундан мустасно). Парламентнинг қонунчилик фаоли-яти Конституцион суд томонидан тар-тибга солинади. Бирок, айни пайтда, Сеймининг муддатини қисқартириш ваколати Президентга тегишли. Шу билан бирга, Президент парламент олдига масъул эмас, лекин Сейм ва Сенат унинг фаолиятига нисбатан эътироз билдириши мумкин.

Умуман олганда, Сейм 460 на-фар депутатдан, Сенат эса 100 на-фар депутатдан иборат. Уларнинг барчаси умумийлик, тенглик, тўғри-дан-тўғри ва пропорционал сайлов тизими асосида сайланади. Консти-туцияга мувофиқ, ҳар иккала палата депутатлари Парламент вакиллари ва электорати жиҳатидан бир-би-ридан фарқ қилади.

Сейм муддатини Президентдан ташқари ундаги аъзоларнинг учдан икки қисмининг тақлифига биноан ҳам қисқартириш мумкин. Бундай пайтда ўз-ўзидан Сенат фаолияти ҳам тўхтатилади. Аммо бу мамлакат-да факултотда ҳолат эълон қилин-ган пайтда амалга ошмайди.

Сейм мунтазам фаолият қўрув-чи орган (ораликдаги танлафусдан ташқари) бўлиб, ҳамма учун очик-дир. Бирок агар мамлакат манфаати талаб қилган пайтда, мунозаралар ёпиқ тарзда ҳам ўтказилиши мумкин.

Қаҳрамон СУЯРОВ  
тайёрлади



## Футбол

## «ПАХТАКОР» ЯККА ПЕШҚАДАМ

О. КАМОЛОВ

Давралар оралигидаги таърифсиз учрашуви «Машъал» (Муборак) ва «Пахтакор» (Тошкент) жамоалари ўртасида ўтиши тахмин қилинган эди. Чунки иккала жамоа ҳам бу йил совринли ўйинлар учун кураш олиб бормоқда. Қолаверса, «Машъал» биринчи даврада Тошкентда «Пахтакор»дан ийрик ҳисоб (3:0)да мағлуб бўлган, реванш «жанги» мубораклик футболчилар

росасиз учрашуви «Машъал» (Муборак) ва «Пахтакор» (Тошкент) жамоалари ўртасида ўтиши тахмин қилинган эди. Чунки иккала жамоа ҳам бу йил совринли ўйинлар учун кураш олиб бормоқда. Қолаверса, «Машъал» биринчи даврада Тошкентда «Пахтакор»дан ийрик ҳисоб (3:0)да мағлуб бўлган, реванш «жанги» мубораклик футболчилар

учун қайсидир маънода «ўч» олиш учун яхши имконият санолади. Аммо «Машъал» ўз ишчиболлари кутган ўйинни намойиш эта олмади. Аксинча, пойтахтликлар худди ўз майдонларидаги каби хотиржамлик билан ҳаракат қилишди. Ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди — 0:2.



Бугунги кунда сўнг Валерий Непомнящий жамоаси ва туртинчи погонани эгалаб турган «Машъал» ўртасида очколар фарқи 16 тага етди.

«Бухоро» ва Қаршининг «Насаф» жамоалари ўртасидаги учрашуви ҳам қизиқарли ўтди. Шунга қарамай, ҳисоб очилмади ва жамоалар ўз ҳисобларига биттадан очко эътибор қўйишди. Ўшбу жамоалар иштирокидаги биринчи даврадаги учрашуви қизиқарли футболчиларнинг 10 ҳисобидидаги галабаси билан якунланган эди.

«Тўпалан» жамоаси Фарғонада маҳаллий «Нефтичи»га муносиб қаршилик кўрсатди. «Ўз ўйинида» деворлар ҳам қўлайди» деганларидек, тажрибали ҳужумчи Анвар Бер-

диевнинг икки голи Фарғона жамоасига муҳим уч очкони тақдим этди — 2:1.


Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» (Тошкент) — «Шўртан» (Ўзғор) — 4:1. «Хоразм» (Хоразм) — «Қизилқум» (Зарафшон) — 0:1, «Навбахор-Н» (Наманган) — «Андижон» (Андижон) — 2:1, «Самарқанд-Д» (Самарқанд) — «Сўғдиёна» (Жиззах) — 2:0, «Металлург» (Бекобод) — «Локомотив» (Тошкент) — 3:3.

## ТУРНИР ҲАВВАЛИ

|                   | Ў  | Ю  | Д | М  | Т/Н   | О  |
|-------------------|----|----|---|----|-------|----|
| 1. «Пахтакор»     | 17 | 15 | 1 | 1  | 36-3  | 46 |
| 2. «Насаф»        | 17 | 12 | 3 | 2  | 32-17 | 39 |
| 3. «Нефтичи»      | 17 | 12 | 1 | 4  | 36-16 | 37 |
| 4. «Машъал»       | 17 | 9  | 3 | 5  | 24-18 | 30 |
| 5. «Трактор»      | 17 | 8  | 3 | 6  | 29-26 | 27 |
| 6. «Қизилқум»     | 17 | 7  | 4 | 6  | 24-27 | 25 |
| 7. «Навбахор-Н»   | 17 | 7  | 4 | 6  | 18-18 | 25 |
| 8. «Андижон»      | 17 | 7  | 3 | 7  | 29-26 | 24 |
| 9. «Локомотив»    | 17 | 6  | 5 | 6  | 19-29 | 23 |
| 10. «Бухоро»      | 17 | 6  | 3 | 8  | 19-16 | 21 |
| 11. «Тўпалан»     | 17 | 6  | 2 | 9  | 21-27 | 20 |
| 12. «Самарқанд-Д» | 17 | 6  | 2 | 9  | 16-23 | 20 |
| 13. «Металлург»   | 17 | 4  | 5 | 8  | 19-21 | 17 |
| 14. «Шўртан»      | 17 | 5  | 2 | 10 | 20-27 | 17 |
| 15. «Сўғдиёна»    | 17 | 3  | 2 | 11 | 8-23  | 11 |
| 16. «Хоразм»      | 17 | 0  | 3 | 14 | 11-51 | 3  |

## Орамиздаги одамлар

## МЕҲНАТ — БАХТ КАЛИТИ



Икки гўзалликнинг бири меҳнатдир. Зотан, меҳнат — бахт калити, деб бекорга айтишмаган. Сарисийлик шифокор Тўлқин Мирзаев ана шу бахт калитини қўлга киритганлардан.

Самарқанд тиббиёт институти тамомлаган Тўлқин дастлабки иш фаолиятини Музабод туман марказий шифохонасининг жонлантериш бўлимида бошлади. Орадан бир йил ўтиб, Рига шаҳридаги «Страдания» клиникасида тажриба алмашди. Клиниканинг тажрибали профессорлари-

дан икки йил сабоқ олди. Мана, энди кўп вақтдан бери, шифокор Сарисий туман марказий шифохонасида жонлантериш бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритаётган. Ҳақиқий шифокор учун билим ва малака камлик қилади. Халқ саломатлигини сақлашдек хайрли ва шу билан бирга ўта масъулиятли ишга бел боғлаган ҳар қандай шифокор фидойилик, касбга садоқат каби фазилатларга ҳам эга бўлиши лозим. Тўлқин Мирзаев ҳам одамийлик фазилатлари туфайли жамоадорлари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Энг муҳими, у бошлиқ жонлантериш бўлими шифокорларнинг беҳиснат хизматидан одамлар мамнун.

— Беморлар ҳаётига ҳеч қачон бефарқ қараб бўлмайди, — дейди у. — Шифокор учун ҳар бир сония, ҳар бир дақиқа қадри. Зеро, инсон тақдири қўлимизда эканлигини доимо ҳис қилиш бизнинг зиммамизга катта масъулият юқлайди. 10 нафар врач, 25 нафар ҳамшира меҳнат қилаётган бўлимида бунча бари яхши билади.


М. ТУРСУНБОВ

1 август кун республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юрларида тест синовлари бўлиб ўтди. Шу кун талаба бўлиш иштиёқига минглаб ёшлар ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Тошкент Аxbорот технологиялари университетида тест синовларини ўтказишга пухта тайёргарлик қилинди. Аудиториялар талаба даражасида жиҳозланиб, барча кулайликлар яратилди. Дарвоқе, бу йил олийгоҳда мобил алоқа тизими,

ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик, сервис (ахборот сервис), сервис (электрон ва компьютер техникаси бўйича) сингари янги йўналишлар ташкил этилди. Қолаверса, ўтган йилдан бошлаб Қарши, Нукус, Самарқанд, Фарғона, Ўзғор шаҳарларида университет филиаллари фаолиятини бошлади.

— Тест синовини иқтидорли ёшларни таллаб олишда энг мақбул йўл, — дейди университетда фарзандининг имтиҳондан чиқишини кутиб



Н. ХАЙИРОВ/ТАШКЕНТ БУЛАТ

## ТЕСТ СИНОВИ

Энг мақбул йўл



турган Комила Исомиддинова. — Чунки етарли билимга эга бўлган абитуриент, албатта эрта-индин талаба, келажакда етук мутахассис бўлади. Абитуриентнинг қандай соҳага таълим олиши, шунингдек, муаллим ва ота-оналарнинг биргаликда қилган меҳнатининг самараси тест натижаларида аққол акс этади.

Тест синовлари туғаб, яқинларига ҳаяжонини яширолмай тўқилганиб қилган меҳнатининг самараси тест натижаларида аққол акс этади.

— Имтиҳон кўнгилдагидек ўтди, — дейди Мавлонбек Жабборов. — Саволларга берилган вариантлар сони бештадан тўрттага қисқартирилгани, бизга бирмунча енгиллик туғдирди. Ўтган йили етарли дара-


жада тайёргарликнинг ҳам даъвогарлар сони кўп бўлганига боис ўқишга кира олмаганим. Бу гал яхши тайёргарлик кўрдим. Астойдил ҳаракатларим бесамар кетмади, деб ўйлайман.

— Замонавий академик лицей ва касб-хунар коллежларининг очилиши мамлакатимизда ёшларга берилаётган юксак эътибор самарасидир, — дейди сурхондарелик Нозима Бакирова. — Мен ўрта мактабдан сўнг академик лицейнинг физика-математика йўналиши бўйича таълим олдим. Эндиги ниятим, ота-онам, устозларимнинг ишончини оқлаб, келажакда малакали мутахассис сифатида халқимизга хизмат қилишдир.

Ўз мухбиримиз

## Таълим

## УМИДИМИЗ НИҲОЛЛАРИ



Жамолиддин АБДУЛЛАЕВ, Фарғона саноат касб-хунар коллежи директори

Шогирд камолоти устознинг баркамоллигидан дарак. Бу азали мезон. Зеро, оқил ва доно мураббий издошига ҳамisha ўрнак бўлади. Аслида ўқитувчилик касбининг масъулияти, машаққати-ю роҳат-фароғати ҳам шунда. Муаллимнинг меҳнати беҳиснат, таъмини билмайди. Мақсади эса бир қарашда оддий, бироқ улғувор: шогирди камоллини кўрсатган бўлади.

Касб танлаш бахт танлаш демакдир. Дарвоқе, қайси касбни танлаш, аввало, ҳаётдан келиб чиқади. Бу масалани оқлонга ҳал этиш эса нафақат биргина шахс, балки том маънода, бутун бир оила, давлат, жамият манфаатига хизмат қилади. Бу кимгадир баландларовоз сулардек туюлиши мумкин. Бироқ, масала моҳиятига тереңроқ бир назар ташлаб кўринг-а.

Тасаввур қилинг: болалигида оддий лоидан ўнча, автомобил, ракета ёки қайсидир ҳайвон шаклини ясаган қизиққан болақайдан жасур учувчи, космонавт, эҳтилол, моҳир ҳайкалтарош этишиб чиқиши мумкин. Энди эса

ана шу етук мутахассисдан ўзи, оиласи, халқ, бутун жамият курайдиган нафни ҳисоблайверинг. Бу — иқтидор. Уни тарбиялаш, ривожлантириш учун ўз вақтида эътибор, зарур шaroит яратиш талаб этилади, холос. Моҳиятан қараганда, бугун қўлимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мантиси ҳам ушбу эзу мақсадга йўналтирилган.

Қатрада қуёш акси жилоланганидек, фарзандларимизнинг ўз келажак йўллари билан боғлиқ оқилоллик йўлини белгилашлари орқали юрт истиқболини башорат қилиш мумкин. Шу боис бизнинг таълим муассасамизда ўқувчиларнинг ўз лаёқати ва қизиқишига кўра касб танлашларига алоҳида аҳамият берилди. Бунинг учун эса барча шарт-шaroитлар яратилган. Коллежнинг ўқув-моддий базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жанубий Кореядан келтирилган ўқув қуроллари, мосламалар, стендлар ва макетлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, замонавий спорт майдончалари, ошхона, ўқув ишлаб чиқариш устаноналари, фаоллар зали, кутубхона мавжуд. 250 ўринли ётоқхона замон талабига мос равишда жиҳозланган. 12 та лаборатория, 3 та компьютер хонаси ўқувчилар хизматида. Янгиликлар билан таништи-

риб бориш учун ўқув юртида радио тармоғи ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Дарс жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, таълим самарадорлигини янада ошириш мақсадида билим юртида 9 та кафедра ташкил этилган. Ҳар бир кафедрага алоҳида хоналар ажратилган бўлиб, улар зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Ҳозир ўқув юртида 122 нафар ўқувчи ёшларга таълим бериб келмоқда. Шулардан икки нафари фан номзоди. Ўқитувчилар томонидан ҳар бир фан бўйича маъруза матнлари тайёрланиб, кутубхона, кафедра, ўқув-услубий хоналарда бевоқифа машғулотларда фойдаланиш учун тавсия этилган.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли қасб-хунар ва спорт тўғрисидаги фаолият кўрсатади. Жумладан, волейбол, футбол, баскетбол, кураш тўғрисида машғулотларда ўқувчилар жисмонан чиқсас, она тили, математика, информатика, ҳуқуқшунослик, биология, география-ўлкашунослик, физика, тасвирий санъат, тикувчилик каби тўғраракларда олган билимларини янада мустаҳкамлашади.

Ушбу сай-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, ўқувчиларимиз «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг вилоят босқичида баскетбол, волейбол, футбол, белбоғли кураш, шахмат, шашка, теннис бўйича ғалаба қозонди. Бундан ташқари, фахрли ўринларни эгаллашди. Азизбек Топовдидево енгил атлетика бўйича уч карра, Бахтиёр Эргашев ва Шахло Мўминова таэквондо бўйича икки каррадан республика чемпиони бўлишди.

## Долзарб мавзу

## II. ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШМОҚ ЁМОН

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ

Бердир асли форийшлик. Тошкентга ўқиш ниятида келиб, омади чопмаган, қишлоққа қайтиб боришнинг ўзига ор деб билиб, пойтахтда қолди. Кейин бетайин болаларга қўшилди, улар билан ёлланиб, турли юмушларни қилиб юрди. Аста-секин шериклари даврасида спирт-ли ичимликлар ичишни ўрганди. Бора-бора бу унинг учун қуликма-га айланди. Иши юришиб тузукроқ пул топланишида башанг кийиниб, кўнгилхушликка ружу қўйиб қолар, топганини совурган эса, яна жандасини елкага олиб мардикор бозорига йўл оларди.

Шу зайл ойлари қувиб йиллар ўтди, беш-олти йил кўз очиб юмгунча ортада қолди. Киши ҳавас қилгули бирор-бир арирли хунарттиролмаган Бердир кўнанинг саёқ кимсасига айланиб, ҳаётда ўз йўлини тамом йўқотди. Қишлоғига онда-сонда бориб турган пайлар тугишган-қариндошлари: «Нима қилиб юрибсан?», деб сўрашса, «Ўқияман», дерди. Дардни яширган билан иситмаси ошқор қилади, деганларидек Бердирнинг сан-киб юрганидан хабардор қишлоқдошлари ҳам аста-секин ундан чет-лашадиган, ҳурмат-иззат кўрсатмайдиган бўлиб қолишди. Бу орада тен-курлари касб-хунарни, ўйли-жойли бўлишди.

Бердир эса бесамар ўтган йилларини қайтармоққа кўп ҳаракат қилди. Бироқ бу иш унинг қўлидан келмади. Аламу иштироблар кўнгил-ни чўқитди, руҳини туширди. Яхшилар ундан ўзини олиб қоча бошлади.

Хуллас, «Саёқ юрган таёқ ейти», деганлари рост бўлиб чиқди. Бос-ган қадами нуқул орқага кетавеганидан Бердир энди аламини ароқдан олмақчи бўлди. Ароқ унинг «диққаш дўсти», овуноғига айланди. Ичкилик ичавериб, топ-

ган-тутганидан айрилган, саломатлигини йўқотган буз йилит инсоф-диёнати ҳам унутди, талончилик-ка, ўғриликка қўл ура бошлади. Энди унинг топлани на ароққа, на овқати-ю, ётар жойга етарди.

Охир-оқибат ароқ уни йикитди, ўттизга кирмай Бердир етмиш яшар чолдай мунглик қолди. Дар-воқе, 70 ёшда киши бу дунёда кўп яхши нарсаларни орттиради — уйли-жойли, бола-чақали бўлиб, обрў-эътибор топади. Бердир буларнинг баридан мосуво эди. У



фаний дунёга қандай келган бўлса, худди шу зайл уни тарқ этди. Бу аччиқ қисматни ҳамсухба-диган бўлиб қолишди. Бу орада тен-курлари касб-хунарни, ўйли-жойли бўлишди.

— Ҳа, ароқнинг ўзи оқ бўлгани билан қилмиши доим қора, — де-дим ҳошим.

— Шундай, Бердир билан бир қишлоқда катта бўлгандик. Ҳатто мактабда ҳам бирга ўқиганим. Ота-си ёшлигида вафот этганди. Онаси Сарвар хола Бердирни деб бошқа турмуш қурмаган эди. Боласи туш-мағир гапга қулоқ солмади.

— Нера?

— Ўқишга қиролмаганида, қи-лоққа, онанинг олдига қайтиб бо-ришни унга айтгандим. Гапимга қулоқ солмади.

— Онаси ҳаётми?

— Йўқ, Бердирнинг вафотидан сўнг бир ой утар-ўтмас Сарвар хола ҳам бу дунени тарқ этди, — деди Эргаш ака афсус билан бош чайқаб.

Ҳа, ароқ ўзига меҳр қўйгани меҳрсиз қилади, соғлигини барбод этади. Дунё дунё бўлибдики, ароқ-ни енган одамни ҳеч қурмаган. Бу иллат ёшга ҳам, кексани ҳам, аёлини ҳам, эркакни ҳам ўз домига тортиб, шармандаликка, оқибатда ўлимга ги-рифтор қилади.

Муқаддас динимиз ақидаларига кўра, бир томчи ароқ баданга кир-са, қирқ кунгача жисм ҳаром ҳисоб-ланар, шу вақт ичида адо этилган ибодатларни Оллоҳ қабул этмас экан. Ман этилган бу заҳри қотил-тинч, аҳил оилаларни барбод қи-лади, яхши дўстлар бир-биридан аж-ралиб кетади. Уни ичиб, қайф ус-тида хотини билан «яқинлик» қилишлик оқибатда мажруҳ, дард-манд фарзандлар дунёга келади. Ичкилик туфайли босқинчилик, қотиллик, ўғрилик каби ўта аянчли жиноятлар содир этилади.

Машҳур олим Чарльз Дарвин шундай деган: «Ўзимнинг шах-сий тажрибам, юз йилдан ортқ давом этган бобом ва отамнинг тажрибалари туфайли менда шун-дай ишонч пайдо бўлдики, дунёда ҳеч қандай сабаб спиртли ичим-ликларни кўп истеъмол қилиш ор-қасида келиб чиқадиغان азоб-уқубатлар ва касалликлар каби оғир йўқотишларга олиб келмайди». Тур-кийларнинг улуг бобоси Юсуф Ҳо-жиб эса майнинг касофатини қуйидагича таърифлаган эди:

Гар ичса киши май,  
шалок маст бўлар,  
Сири фой бўлар,  
иши ҳам суст бўлар.  
Билими май ичса,  
билимсиз бўлар,  
Билимсиз май ичса,  
тубан наст бўлар.

Ўзбекистон  
«Адолат» СДП  
Сиёсий  
Кенгашининг  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

## Тахрир хайъати

Дилором  
ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Иқбол МИРЗО,  
Турсунали ҚЎЗИЕВ,  
Тургунпўлат ДАМИНОВ,  
Равшан ҲАЙДАРОВ,  
Мамазоир  
ХУҲАМБЕРДИЕВ,  
Исмоил САИФНАЗАРОВ,  
Собир ТУРСУНОВ,  
Шермат ШАМСИЕВ,  
Светлана ОРТИКОВА,  
Мукаррамхон АЗИМОВА,  
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,  
Камол АЛЛАЁРОВ  
(Бош муҳаррир  
ўринбосари),  
Талъат МУРАТОВ

## Бош муҳаррир

Бахтиёр  
АБДУСАТТОВРОВ

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан  
016 рақами билан  
руйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:  
700047, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.

## Телефонлар:

Қабулхона — 133-40-86  
136-53-14  
Факс — 133-40-86  
Котибият — 136-55-96  
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-64  
Хатлар бўлими — 136-55-64  
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39  
Иқтисодий ва саноат бўлими — 136-54-39  
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи  
муҳаррир —  
Бехбуд Ботиров  
Навбатчи —  
Музаффар Абдушукуров  
Саҳифаловчи —  
Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан кўчириб  
босиб фақат тахририят  
рухсати билан амалга  
оширилади.  
† — Мазкур белги остида  
тижорат мақолалари  
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида  
чоп этилди.  
Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буёқ Турон  
кўчаси, 41-уй.

Газета тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Буортма Г — 1000  
Ҳажми — 4 босма табоқ,  
Офсет усулида  
босилган  
Қоғоз бичими А-2.  
Адади — 1270

Нашр индекси — 100  
Ҳафтанинг жума кунлари  
чиқади.

Босишга топшириш вақти  
— 2000  
Босишга топширилди  
—